O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 10-mart • Seshanba • 29 (27.990) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини... ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

❖ Янги иш ўринлари

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Наврўз байрами арафасида «Бешариқтекс» тўла қувват билан ишлай бошлайди. Корхонадаги ишчи ўринлари 1000 тага етади

Эски ускуналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ошиб кетгани, сифати бозор талабларига жавоб бермай қолгани ва яна бир қанча сабабларга кўра «Бешариқтекс» корхонаси иқтисодий таназзулга учраган эди...

Мамлакатимиз раҳбарининг енгил саноатни замонавий технология билан қайта жиҳозлаш, уни даромадли тармоққа айлантириш борасидаги таклифидан сўнг «Бешариқтекс» жамоаси корхонани реконструкция қилиш, ишни замон талаблари асосида ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Жараёнларга кенг қўламда инвесторлар жалб этилди. Англиянинг «Генмарк LLP» компанияси янги лойиҳага 5 миллион евролик улуш қўшди. «Ўзсаноатқурилишбанк» 1,4 миллион евро, Ислом тараққиёт банки 4 миллион доллар миқдорида кредит ажратди. Бу маблағларга Германиянинг «Тручлер» фирмасидан пахта толасини пилталовчи энг сўнгги авлод ускуналари, Хитой ва Японияннинг «Жуки» фирмасидан ип йигирув, Германиянинг «Маер» компаниясидан трикотаж-тўқув дастгоҳлари келтирилди. Шу йилнинг январь ойида корхона иш бошлади.

2-бет

Муносабат

АЁЛ БАХТИ

Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида бизнинг шаънимизга айтилган самимий тилаклар мамлакатимиздаги барча оналар қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, мустақиллик йилларида республика хотин-қизларига катта имконият ва имтиёзлар берилди. Жамият равнақига хизмат қиладиган барча соҳаларда аёлларимиз учун эркинликлар, қулайликлар яратилди. Биргина илм-фанни олайлик, шўро тузуми даврида ушбу йўналишни танлаган инсон зоти борки илмий иши мавзусини албатта собиқ марказнинг тасдиғидан ўказиши шарт эди. Докторлик, номзодлик диссертацияларини ҳам ҳукмрон тилда ёзиш энг асосий талаблардан бири қилиб белгиланганди. Шу боис, ўша даврда илмий унвонга сазовор бўлган маҳаллий аёллар бармоқ билан санарли эди. Очиғи, илмга рағбат кўпчилик хотин-қизларимизда бўлган. Аммо оиласидан узоқда бегона шаҳарга бориб, диссертация ҳимоя қилишга ёки оилавий шароити тўғри келмасди, ё рухсат тегмасди. Кўплаб олималаримизнинг узоқ йиллар шуғулланган илмий ишлари шу тахлит тасдиқланмай, уларга руҳий ва маънавий зарба берилганлигига шахсан ўзим кўп марта гувоҳ бўлганман.

Мен 1983 йилда номзодлик ишимни жуда қийинчиликлар билан ёқлаганман. 1992 йилда докторлик ишимни ўз ватанимда, бошимни баланд кўтариб муваффақиятли ҳимоя қилдим. Боиси, бу пайтга келиб Ўзбекистонимиз мустақил бўлган эди. Истиқлолгача ўзбек тилшунослигида аёллардан фақат бир нафар фан доктори бўлганлигини ҳисобга олсак, мен ўзимни шу соҳадаги биринчи истиқлол олимаси эканлигим билан фахрланаман. Ўтган йиллар мобайнида 12 та номзодлик, 1 та докторлик диссертациясига раҳбарлик қилдим. Ҳамкасбларим ва шогирдларим билан ҳамкорликда фандаги янги таълимот — тилни систем таҳлил қилиш, уни диалектиканинг услубийлик — хусусийлик, моҳиятҳодиса қонуниятлари асосида тадқиқ қилиш орқали тил бирикмаларининг шу кунга қадар маълум бўлмаган жиҳатларини аниқлашга уринаяпмиз.

Ўзбек тилшунослигининг бешиги ҳисобланмиш кафедрамизнинг салкам 90 йиллик тарихида биринчи марта бу табаррук минбарни аёл киши бошқараётганлиги, кейинги йилларда 15 та дарслик, монография ва ўқув қўлланмаси яратганимиз ҳам истиқлол ато этган катта имконият эмасми?! Шогирдларимнинг кўпчилиги мустақил юртимиз илм-фанини юксалтиришга ҳисса қўшаётган хотин-қизлар эканлигидан ҳам илм заҳматини ўз бошидан кечирган аёл сифатида ифтихор туяман. Айни пайтда 4 та номзодлик, 3 та докторлик диссертациясига раҳбарлик қилаяпман.

Юртбошимизнинг шахсан ташаббуслари ва ғамхўрликлари билан истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Муҳими аёлни эъзозлаш, унинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, елкасидаги рўзғор юкини енгиллаштириш, уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мен бир зиёли сифатида янгиликларни мунтазам равишда кузатиб бораман. Лекин очиғини айтишим керакки, дунёда аёлни бу қадар эъзозлаган, қадрлаган, таъбир жойиз бўлса бошига кўтарган Ўзбекистондек бошқа бирор юрт борлигини билмайман!

Мамлакатимиз раҳбарининг байрам табриги нафақат қутлов, балки бизга билдирилган юксак ишонч ва эҳтиром ҳамдир. Бу барчамизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди, янги-янги зафарларга, илмий кашфиётларга илҳомлантиради.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири.

Ватан ҳимояси — олий шараф

МАРДЛИК ВА МАТОНАТ МАКТАБИ

Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарлар уйларига қайтмоқда. Жойларда уларни кутиб олиш маросимлари ҳақиқий байрамга айланяпти.

Ёшин ҲАКИМОВ олган сурат.

Яқинда Тошкент темир йўл вокзалида аскарларни тантанали кутиб олиш тадбири бўлиб ўтди. Унда ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Паркентлик Шуҳрат Расуловга намунали хизматлари учун қўмондонлик томонидан тавсиянома берилди. Энди у олий ўқув юртига ўқишга киришда имтиёзга эга бўлади.

— Армия мактабини ўтаганимдан хурсандман, — дейди Шуҳрат. — Ниятим — ота-онамнинг, халқимизнинг ишончини оқлаш.

Дарҳақиқат, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган аскарлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имкониятига эга. Демак, Шуҳрат ҳам ана шу имтиёздан фойдаланади.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Ишга жойлашишда ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар устунлик ҳуқуқига эга. Армияга чақирилгунга қадар ишлаганларнинг эса иш ўринлари сақланади ва бу уларга иш фаолиятини яна давом эттириш имконини беради.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг доимий ғамхўрлиги туфайли ҳарбий хизматчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилянпти. Армиямиз сафларидан қайтаётган жасур ва мард ўғлонларимиз билан ҳамиша фахрланамиз.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратда: аскарларни тантанали кутиб олиш тадбиридан лавҳа.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Навоий кончилик институти қошидаги 2-академик лицейда «Аёл гўзаллиги — меҳнатда» шиори остида бўлиб ўтган меҳнат ярмарқаси хотин-қизлар байрамига муносиб туҳфа бўлди. Навоий шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази ҳамда ЎзҲДП шаҳар кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бўш иш ўринлари танловида 89 та корхона ва ташкилотлар 212 та янги иш ўринлари билан иштирок этишди.

— Мен бу анжуманда 60 дан ортиқ хотин-қизларнинг ўзига хос ва мос иш ўринларига эга бўлганини кўриб хурсанд бўлдим, — дейди **ЎзҲДП шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова.** — Назаримда, бу каби меҳнат ярмаркаларини тез-тез ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди...

2-3 йилдан буён ўзимга муносиб иш тополмагандим, — суҳбатга қўшилди **карманалик Саидахон Саидова.** — Бугун ярмаркада «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятига касаначи-тикувчи бўлиб ишга жойлашдим.

— Бу галги байрам менга омад олиб келди, — давом этди **конимехлик Гузел Бойбекова.** — Анжуманда қатнашиб, тоғ-металлургия комбинатининг уй-жой коммунал бошқармасидаги болалар боғчасига тарбиячи бўлиб ишга жойлашдим.

Бундай қувонч тўла дил изҳорларини «Электрокимё» заводига ош тузи қадоқловчи бўлиб ишга кирган Марҳабо Бобоқулова, «Навоий почта»сига операторлик хизматига жойлашган Юлдузхон Эргашева каби ўнлаб хотин-қизлардан ҳам эшитдик.

Музаффар ШАРОПОВ

❖ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ҲАМ ШИФО, ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТАДИ

Тошкент қадимдан ўзининг мўътадил ҳавоси, хушманзара табиати билан машҳур бўлган. Шаҳар серсув ариқ ва сойлари, боғроғлари билан алоҳида ажралиб турган.

Кўҳна Шошнинг серсув сойлари, гўзал табиати, сўлим иқлими кўплаб тарихий асарлар, саёҳатномаларда, шоирлар шеърларида тавсиф этилган. Хусусан, Зайниддин Восифий «Бадоеъул вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида Тошкентни алоҳида меҳр билан тасвирлайди: «...Сув тўла ҳовузлари сафо чашмасидан нусхадир: ойнадек тоза суви дарахтлар ва қушлар суратларидан тасвирли саҳифага ўхшаб кетарди... »

Тарихчиларнинг ёзишича, воҳада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, ўлканинг ободонлашишига ҳам деҳқончилик ривожи ва серсув ариқларнинг кўплиги муҳим омил бўлган. Академик Яҳё Гуломовнинг ташаббуси билан 1966 йилда ташкил қилинган Тошкент археологик гуруҳининг тадқиқотларига кўра, бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб Тошкентга сув олиб келган. Тошкент атрофидан оқиб ўтувчи дарё ва сойлар номи Беруний асарларида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ва бошқа тарихий манбаларда кўп бор қайд этилган.



2-бет

✓ ЎзҲДП ҳаёти

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

мақсадга эришишга хизмат қилади

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. ЎзҲДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқувларининг мунтазам ўтказиб борилиши сиёсий тажриба ортириш, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш, фаолларни электорат, электоратни партия билан бевосита алоқада ишлашга тайёрлаш ҳамда бу жараённи кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Партия Фарғона вилоят кенгаши сиёсий семинарининг «Ўзбекистон ХДП аъзолари, электорати вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда партия ташкилотлари, матбуоти ва депутатлик гуруҳларининг вазифалари» мавзуидаги машғулоти бевосита юқоридаги масалаларга қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари иштирок этдилар.

2-бет

Мулоҳаза

• ЭЪТИҚОД ЛИБОСДА ЭМАС, ҚЎНГИЛДА...

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• АФҒОНИСТОН:

САЙЛОВ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

Шу йил апрелдами ёки августда?

3-бет

• **«АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ»НИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?**

Санъатсевар халқимиз қалбидаги ғурури, шижоати ва ғайратини ўзида ифода этган ушбу таронани Ўзбекистондагина эмас, балки хорижда ҳам яхши билишади, чин дилдан севишади. Аммо уни ким яратганлигини биламизми?

4-бет

ҲАМ ШИФО, ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТАДИ

Тяньшан тоғларининг қуйи қисмидан оқиб келувчи Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги Бўзсув канали Тошкентни сув билан таъминлайди. Бўзсувнинг асосий ирмоқлари бўлган Анҳор, Қорасув, Кайковус, Салор, Бўрижар каби каналлар бутун шаҳар бўйлаб сувни тақсимлаган. Захариқ, Човли, Жўнариқ, Дархон каби қадимий ариқлар маҳаллалар ўртасидан ўтиб аҳолини сув билан таъминлаган.

— Маълумотларга қараганда Бўзсув суви саксонга яқин ариқлар орқали маҳаллаларга тарқалган, — дейди тарих фанлари номзоди Хайрия Бўриева. — Мазмун жиҳатидан уларнинг номлари турличадир. Хусусан, Жар, Толариқ номлари ҳудуднинг табиати билан боғлиқ бўлса, Шайхонтоҳур, Юсуф Алихўжа каби ариқлар шу ерда яшаб ўтган шахслар номини олган. Масалан, «Шайхонтоҳур» гидрониминнинг пайдо бўлиши XIV асрда яшаган Шайх Ховандн Тоҳур исми билан боғлиқ. Шаҳарнинг аксарият ариқлари оқиб ўтган жой ва маҳаллалар номи билан аталган. Бешёғоч, Чорсу, Регистон, Дархон, Оққўрғон, Оқтепа, Чувалачи, Ракат каби ариқлар шулар жумласидандир.

Қадимшуносларнинг маълумот беришича, мазкур ариқлардан оқадиган сув табиий софлиги, тиниқлиги ҳамда хуштаъмлиги билан алоҳида ажралиб турган. Хусусан, Зайниддин Восифийнинг юқорида эслатилган асарида бундай мисралар келтирилади:

Топ-тоза зилолдек Парак дарёси,

(Давоми. Боши 1-бетда)

Салсабил нахрига монанд қиёси...

Тошкент маҳаллаларининг деярли барчасида оқар сувли ҳовуз бўлгани ҳам шаҳарнинг серсувлигидан дарак беради. Тарихий маълумотларга қараганда, шаҳарда беш юздан кўпроқ ҳовуз бўлган. Ҳозиргача сақланиб қолган Катта ҳовуз, Ҳовузбоғ, Лангар ҳовуз каби атамалар ҳам бунинг далилидир. Ҳовузлар сув таъминотини яхшилаш билан бирга, жазирама ёз палласида шаҳар ҳавосини мўътадиллаштиришга, ўзига хос микроиқлим яратишга хизмат қилган.

Тошкент ариқларидан оқаётган зилол сувдан ташқари ўтган асрнинг эллигинчи йилларида шаҳарда яна бир неъмат кашф этилди. Тошкент шаҳри ва унинг атрофида шифобахш маъданли сув булоқлари очилди. Тошкент маъданли суви ўзининг чанқовбосди хусусияти ҳамда кўплаб касалликларга шифолиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қарийб 3000 метр чуқурликдан чиқадиган ушбу сув таркибида инсон саломатлиги учун зарур хлорли натрий, магний ва калций каби кўплаб элементлар мавжуд. «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Чотқол» каби шифо масканларида бу сувдан кенг фойдаланилмоқда.

— Тошкент маъданли сувининг шифобахшлиги ҳароратининг юқорилиги ва таркиби кремний кислотага бойлигида, — дейди «Чинобод» санаторийси бошқаруви раисининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Равшан Эргашев. — Даволаш учун фойдаланиладиган ушбу маъданли сув инсоннинг овқат ҳазм қилиш тизимини яхшилайди, ошқозон-ичак касалликларига ижобий таъсир қилади ва организмдаги биокимёвий жараёнлар, сув-туз алмашинувини фаоллаштиради. Сувнинг турли ҳароратда бўлиши ўзига хос тарзда юрак фаолиятини яхшилайди, асаб толалари қўзғалувчанлиги, суяк тўқимасининг ўсиши ва ҳужайраларнинг инфекцияларга чидамлилигини кучайтиради.

Шаҳар аҳлида сувга бўлган эътибор қадимдан шаклланган. Зеро, халқимизда азалдан сув муқаддас саналиб, унга туфлаш, ахлат ташлаш катта гуноҳ ҳисобланади. Шу боис ҳам шаҳар ариқларидаги сув экологик тоза ва уни йилнинг ҳар қандай фаслида ичиш мутлақо хавфсиз бўлган. Шўро замонида ариқларга эътибор сусайди, улардан оқаётган сув ўзининг экологик софлигини йўқота бошлади. Кўплаб ариқлар йўқолди. Айниқса, ўтган асрнинг 60-70 йилларида шаҳардаги боғ-роғлар билан бурканган кўплаб масканларни бузиб, бетон ва асфальт қопланган майдонларга айлантириш авж олди. Янги йўллар қуришда сув йўли ҳисобга олинмаганлиги сабабли қор ва ёмғирли кунларда шаҳар кўчалари сув билан тўлиб қолганини нуронийларимиз яхши эслайдилар.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари самараси ўлароқ, Тошкентнинг экологик соғлом муҳити қайта тикланди. Сув йўллари таъмирланди, янги қурилаётган ҳар бир йўл четида махсус ариқлар барпо этилиб, шаҳар ҳароратини суньий равишда оширадиган бетон ва асфальт майдонлар ўрнида ям-яшил, сўлим хиёбонлар барпо этилди. Шаҳарда табиий ва микроиқлим яратилди.

Шаҳар ҳавосининг мўътадиллигини таъминлашда фаввораларнинг аҳамияти беқиёс. Чунончи, бугун Тошкент шаҳри кўркига кўрк қўшиб турган юзга яқин катта-кичик фаввора шу азиз неъмат — сув сероблигининг натижасидир. Президентимиз раҳнамолигида шаҳарни ободонлаштириш ва экологик ҳолатини яхшилаш жараёнида мураккаб муҳандислик иши асосида кўплаб янги фавворалар қурилди, уларнинг шакл-шамойили ҳам шарқона услубда, миллий анъаналаримизга хос тарзда янгиланди. Бугун турли рангдаги фавворалар шаҳар аҳли ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари дилини яйратиб, кўзини қувонтиради.

...Янгиланиш фасли кириб келган шу кунларда азим пойтахтимиз янада ўзгача кўрку тароват касб этмоқда. Кенг, равон ва озода йўллар, салқин ва сўлим гўшалар ҳамиша одамлар билан гавжум. Турли дов-дарахтлар, ямяшил хиёбонлар ҳар қандай кишининг баҳри дилини очади. Катта тўйга қадар азим пойтахтимиз ҳусни жамоли янада кўркамлашиб боришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

— Бир йилда 7 минг тонна пахта толасини қайта ишлаймиз, — дейди акциядорлик жамияти раиси Рустамжон Пўлатов. — Технологиядаги ишлаб чиқариш қувватининг юқорилиги туфайли электр энергияси ва ишчи кучини тежаган ҳолда, кам харажат қилиб кўп натижага эришаяпмиз.

— Бундан ташқари, айнан Японияннинг «Жуки» дастгоҳларигина энг нозик, аммо эшими бақувват ип йигира олади, — дейди цех бошлиғи Абдухолис Мадрахимов. — Ҳозирча 20/1, 24/1, 30/1 кесимдаги иплар йигираяпмиз. Трикотаж мато учун бундан ҳам ингичка, аммо қувват кўрсаткичи юқори иплар ишлаб чиқариш имкони мавжуд.

Корхона технологик жараёни пахта толасини пилталаш, йигириш, тўқишдан ташқари матони оқлаш, бўяш ва тикиш каби яхлит тизимни ташкил этади. Омбордан чиққан тола тайёр кийим-кечак бўлиб яна омборга кирим қилинади. Аниқроғи, бу ерда бир йилда 5 минг тонна пахта толасидан 9 миллион дона трикотаж кийим ишлаб чиқарилади. 2 минг тонна толадан йигирилган ип экспорт қилинади.

Бундай узлуксиз технология турли йўналишдаги мутахассисларга эҳтиёж туғдирди. Масалан, корхонага кийим дизайнери керак эди. Қишлоқ қизларидан бир гуруҳи Тошкентда ўқиб-ўрганиб келишди.

— Мен энди компьютер олдидан кетолмай қолдим, — деб ҳикоя қилади Мукамбар Назарова. — Негаки, бир йилда 9 миллион дона кийимни бир-икки русумда тикиш — ҳозирги кун иши эмас. Биз истеъмолчи талабини инобатга олган ҳолда, турфа моделлар яратишимиз керак. Масалан, бугун тикилаётган спорт кастюми дизайнини мен — ўзим чиздим...

У компьютер мониторида бизга ўнга яқин эскизни намойиш этди ва сўзида давом этди.

— Буларни ижодий кенгашга тавсия қилганман, танловдан ўтса, тикув цехига берилади.

— Бешариқда касб-ҳунар коллежлари бор. Аммо корхонамиз туманимиздаги иккинчи йирик тўқимачилик маскани бўлса-да, ҳалигача уларда саноатнинг шу тури учун малакали ишчи-мутахассис касбига ўқув йўналиши очилгани йўқ, — дейди иш ўргатувчи Нозимахон Маҳмудова. — Шу боис, ёшларимиз ҳозирча пилталовчи, йигирувчи, тўқувчи каби касбларни турдош корхоналарнинг тажрибали ишчилари қўлида ўрганишаяпти...

Туман вилоятнинг энг олис ҳудудларидан. Шундай бўлса-да, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли кеча фақат деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли ва таълим муассасаларининг битирувчи ёшлари дунёнинг энг сўнгги русумли мураккаб технологик ускуналарини муваффақиятли бошқармоқдалар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *ишчи Ойиша Бозорова; корхона фаолиятидан лавҳалар.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ **ЎзХДП ҳаёти**

ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ КЕНГАЙДИ

Эндиги вазифа ундан самарали фойдаланишга эришишдан иборат, деган фикр илгари сурилди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ташкил этган давра суҳбатида.

Қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур мулоқотда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг асосий қоидалари хусусида сўз юритилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан киритилган ва Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган мазкур қонун мамлакатимизда сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда муҳим босқич бўлди, — деди партия вилоят кенгаши раиси Парда Юлдашев. — Хусусан, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги вакиллиги кенгаяди. Бу эса сиёсий кучларнинг парламентчилик фаолиятини ташкил этиш, мамлакатда рўй бераётган ислоҳотларга таъсирини оширишда янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий ахборот-таҳлил маркази етакчи илмий ходими Ботир Узоқов, партиянинг Бахмал, Арнасой, Мирзачўл ҳамда Пахтакор туман кенгашлари раислари Донобой Соатов, Марат Қозоқов, Ҳаким Номозов, Зуҳра Умурзоқова, Ғаллаорол туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбари Амирқул Абдуқодировлар сўзга чиқиб, бошланғич ташкилотларда партиядошларимиз, хайрихоҳлар, электоратимиз вакиллари иштирокида бу қонуннинг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

мақсадга эришишга хизмат қилади

Давра суҳбати шаклида ўтган тадбирда БПТда ўтказилаётган сиёсий ўқувларнинг самарадорлигини ошириш, бу борада тўпланган тажриба, мавжуд муаммолар юзасидан фикрлар билдирилди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида партия мафкуравий ишлари, дастурий мақсадларини амалга татбиқ этишда сиёсий ўқувларнинг катта аҳамиятга эга экани инобатга олинса, тизимни янада такомиллаштиришга эҳтиёж ортаётгани ойдинлашади. Бугун кун тартибида нафақат партия ташкилотлари, балки, депутатлик гуруҳлари, матбуот нашрларининг ҳам қўйилаётган масалага эътиборини кучайтириш вазифаси турибди. Бунда албатта ўзаро ҳамкорликни доимий равишда кенгайтириб бориш талаб этилмоқда. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Маҳмуджон Маҳкамов ва бошқалар фикр билдирдилар.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масала юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	906,87	1 Малайзия ринггити	381,66	1 Евро	1992,82
1 Англия фунт стерлинги	2179,55	1 Польша злотийси	384,38	10 Жанубий Корея вони	9,11
1 Дания кронаси	241,33	1 СДР	2083,93	10 Япония иенаси	144,59
1 БАА дирҳами	386,04	1 Туркия лираси	793,44	1 Россия рубли	39,67
1 АҚШ доллари	1417,87	1 Швейцария франки	1225,15	1 Украина гривнаси	184,14
1 Миср фунти	253,87				
1 Исландия кронаси	12,58				
1 Канада доллари	1101,86				
1 Хитой юани	207,30				

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

! Мулоҳаза

ЭЪТИҚОД ЛИБОСДА ЭМАС, ҚЎНГИЛДА...

Биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар шиддат билан ўзгараётган, жаҳоншумул воқеа ва ҳодисалар юз бераётган, турли мафкуралар тўқнаш келаётган мураккаб бир даврда яшаяпмиз. Бу жараёнлардан огоҳ бўлиб, ақл-идрок билан хулоса чиқармаган киши йўлидан адашиши табиий. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, табиатан таъсирчан, эргашувчан аёлларнинг айримлари ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Баъзилар иймони сустлиги, билимсизлиги билан адашса, баъзилари моддий манфаатдорлик учун диёнатсиз амаллардан ҳазар қилишмаяпти. Эътиқод аслида инсон фитратидаги улуғ неъмат бўлиб, аста-секин шаклланиб боради ва маънавиятимиз, мафкурамизда, ташқи кўринишимизда ҳам ўз аксини топади.

Хусусан, аёл либосида ҳам унинг маънавияти яққол сезилиб туради.

Кейинги пайтларда аёлларимизнинг кийинишлари борасида назаримизда икки қутб пайдо бўлди. Гап шундаки, баъзи аёллар эътиқодларига кўра миллий ва замонавий либослардан воз кечиб, хорижий ислом давлатларидаги аёллар каби юзларини беркитиб, қора ҳижоб кийишни одат қилиб олганлар. Буларнинг фитрати қандай экан, деб ўйлаб қоласан киши. Эҳтимол улар шу билан ўзларининг диний эътиқодларини кўз-кўз қилишмоқчидир? Шундай деб ўйлашса, хато қилишади. Эътиқод қўнгилда. Баъзи аёллар, айниқса, қизларимизнинг ўта тор, тиззадан юқори, бели очиқ кийимларга ружу қўйиб, жамоат жойларида бемалол юришлари эса шаънимизга ярашмай турибди.

Кийим-кечак ҳар бир миллатнинг тарихи, иқлим шарт-шароитлари ва қолаверса мафкураси билан боғлиқ. Маълумки, араб мамлакатларининг иқлими иссиқ ва қуруқ, бунинг устига чанг-тўзон кўтарувчи гармсел шамоллари бор. Бундай мамлакатларда ҳатто эркаклар ҳам рўмолни бостириб ўраб, кези келса юзларини шамолдан тўсиб оладилар.

Расулуллоҳ с.а.в. **«Оқ либос кийинглар, чунки у пок ва ёқимлидир»,** деганлар. Оқлик-поклик рамзи сифатида кишилар руҳиятига ҳам ижобий таъсир этади. Бу дегани ҳамма оқ кийинсин дегани эмас, албатта. Ҳар бир ишнинг ўз вақти, ўз шарт-шароити бор. Бутун дунё ҳожиларининг эҳромлари, жумладан ўзбекистонлик ва бошқа баъзи бир мамлакат аёлларининг эҳромлари ҳам оқ матодан бўлишида поклик рамзи бор. Тиббиёт муассасалари, шифохона ходимлари, боғча тарбиячиларининг оқ халатда юришларида ҳам покликни кўрамиз. Кундалик кийинишда ўртаҳоллик, мўътадиллик кишига қулайлик яратади. Мўътадил кийиниш кишининг ички руҳиятига ҳам таъсир қилиб, унинг чеҳрасига нур, нафислик, мулойимлик, хотиржамлик бахш этади. Қора либос кишида таҳлика уйғотади. У аза либоси тарзида ҳам атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатади.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, ислом эътиқодидаги аёлларнинг қандай рангдаги либос кийишлари Қуръонда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам аниқ айтилмаган. Муҳими, авратларни беркитиш, ҳанафия мазҳабимизга кўра, юз очиқ бўлади. Ҳаж зиёрати улуғ ибодат эканлигини биламиз, ҳатто ҳаж амалларини бажараётганда ҳам ҳожиларнинг юзи очиқ бўлиши лозимлиги манбаларда келтирилган. Шундай экан, бирон бир юмуш, кундалик эҳтиёжлари билан кўчага чиққан аёлларимиз юзларига ниқоб тортиши ёки қора ҳижобларга бурканиб олишлари тўғримикан? Эътиқодий кийинишнинг асл моҳияти нимада?

Қуръони карим, «Нур» сурасида шундай оят келтирилади: **«Мўминларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркаклардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Шунингдек, одатда кўриниб турадиганидан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар ва рўмолларини кўкраклари узра тушириб олсинлар!...»** («Нур». 31-оят).

Маълумки, жоҳилият даврида аёллар ўзларини кўз-кўз қилишда мусобақалашиб, ҳатто кўксилари очиқ ҳолда рақсга тушишар ва ҳар турли фаҳш ишларга сабабчи бўлишарди. Имом Бухорий ривоятига кўра, Ойша р.а. шундай ҳикоя қиладилар: **«Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар»** **ояти нозил бўлиши билан имон келтирган эркаклар бу оятни ўз оналарига, аёлларига ва опа-сингилларига ўқиб бердилар ва аёллар жилбобларини ечиб, унинг бир қисмидан рўмол қирқиб бошлари ва кўксиларини тўсдилар»,** дейилади. Рўмоллар қора тусда бўлганлигининг сабаби ўша диёрларда аёлларнинг миллий либоси қора тусда бўлганлигини билдиради. Аслида Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам, уламоларнинг ижтиҳод ила келишилган фатволарида ҳам қора либос кийиш буюрилмаган.

Минг афсуски, ўзининг шахсий эҳтиёжлари билан баъзи тижоратчи аёллар ҳам эл эътиборини тортиш мақсадида «ҳижоб»га кирмоқдалар. Ота-оналарининг «ишончли» қизи, ёки совчиларнинг эътиборини тортиш ниятида ўзини «эътиқодли» кўрсатишга уринаётган қизлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг қалбига назар ташлашнинг имкони бўлганда бундай аёллар, қизларнинг фитрати ҳам беихтиёр намоён бўларди.

Либослар, русумлар замонга қараб ўзгаравераді, лекин инсон фитрати қалбидан мустаҳкам ўрин олмас экан, ёмғирда қолган кесак мисол уваланиб, лойқа сувга айланиши ҳеч гап эмас.

Қора ҳижоблар қаердан келмоқда? Бундай либослар савдоси билан ким шуғулланмоқда, нега ёшгина қиз-жувонларимиздан баъзилари ота-оналари тирик ёки эрлари тирик бўлатуриб, қора либосларга ружу қўймоқдалар? Баъзи бир мамлакатлардаги аёллар либосига бундай кўр-кўрона берилишда уларнинг қалбида, фитратида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Ёт мафкуралар таъсирига берилишнинг оқибати наҳотки уларни ҳушёрликка ундамаса?..

Инсон мафкурасининг чегаралари кўзга яққол ташланмайди. Рамзий маънода айтадиган бўлсак, у кўринмас нозик пардалардан ташкил топган бўлади. Уни моддий куч билан эмас, маънавий, ғоявий таъсир билан бузиш мумкин. Айнан ёт ғоялар киши руҳиятини ўзгартириб, уни ўзлигидан узоқлаштиради ва охир-оқибат хоҳлаган кўйга солади. Аниқроқ айтганда ўз ёвуз мақсади йўлида ундан фойдаланади. Демак, биз оналар аждодларимиздан мерос — миллий ва диний қадриятларимизни асрай олмасак, Ватан аталмиш муқаддас масканнинг қадрига етмасак, буюк алломаларимиз ҳаётидан ибрат олмасак, қалбларимизни, имонимизни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қила олмасак, фарзандларимизга, ёш авлодга қандай сабоқ берамиз? Бу ҳақда чуқур ўйлашга тўғри келади. Зеро, инсонга улуғ неъмат — ақл, тафаккур қилиш қобилияти берилган.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА

✓ Шарх

АФҒОНИСТОН: САЙЛОВ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

Шу йил апрелдами ёки августда?

Маълумки, ўтган ҳафта бошларида Афғонистоннинг Мустақил сайлов комиссияси 20 августда президент сайловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Аммо мамлакат президенти Ҳамид Карзай президент сайловини августда эмас, балки Конституция меъёрларига мувофиқ равишда 21 апрелда ўтказиш ҳақида Мустақил сайлов комиссиясига кўрсатма берганди. Негаки, Афғонистон Конституциясига кўра, президент сайлови амалдаги президентнинг ваколат муддати тугашига 30 ёки 60 кун қолганда ўтказилиши лозим. Ҳ. Карзайнинг президентлик ваколати муддати эса шу йил 21 майда тугайди.

Лекин Мустақил сайлов комиссияси айрим техник ва бошқа сабабларга кўра, апрелда сайлов ўтказишга тайёр эмаслиги (мамлакат ҳудудларидаги музофотларнинг бирортаси ҳали сайлов ўтказишга тайёр эмас, сайлов қутилари жойларга ҳали етказилмаган. Шунингдек, БМТ манбаларида қайд этилишича, Афғонистонда сайловда қатнашувчи 25-28 миллион аҳоли яшагани ҳолда шундан 18 миллионигина сайловчи сифатида рўйхатга олинган) ва мамлакатнинг айрим ҳудудларида хавфсизлик таъминланмаганлиги боис сайлов ўтказиш августга мўлжалланмоқда. Бу ҳам мамлакат Конституцияси меъёрларига мос тушади. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари шанба куни Мустақил сайлов комиссияси қарорига розилик билдирди.

«Сайлов ўтказиш муддати бўйича мамлакатда икки хил фикр юзага келганлиги ва менинг 21 апрелда сайлов ўтказилиши тўғрисидаги фармонимни кўпчилик қўллаб-қувватлаётган бўлишига қарамай, мен Мустақил сайлов комиссияси қарорига қарши эмасман. Мен бу муаммони ечиш учун миллий маслаҳат ўтказилишини таклиф этаман. Шуни ҳам айтишим керакки, президентлик ваколат муддатим тугагач, мамлакат Конституциясини ҳурмат қилганим ва унинг амалдаги кафолати сифатида президентлик лавозимида бир кун ҳам қолмайман» деди Ҳ.Карзай шанба куни президент саройида ўтказилган матбуот анжуманида.

Хўш, сайлов августга қолдирилса, президентнинг ваколат муддати 21 майда тугаса, мамлакат бошқарувида бўшлиқ пайдо бўлмайдими? Салкам 30 йилдан буён нотинчлик ҳукм сураётган бу ўлкада бошқарувдаги бўшлиқ боис ўзаро курашлар кучайиб кетмайдими?

Айни дамда бу каби саволлар нафақат оддий афғон халқини, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам ўйлантириб турибди.

Агар давлат бошқарувида бўшлиқ юзага келса, яъни миллий маслаҳатлашувдан сўнг ҳам президент сайловини августда ўтказишга қарор қилинса, Афғонистоннинг Асосий қонунига кўра, ё мамлакатни муваққат ҳукумат бошқаради ёки Олий йиғин — Лойя жирга бошқарувни қўлга олади. Аммо сиёсатчи-таҳлилчиларнинг фикрича, Афғонистоннинг барча музофотлари манфаатларини намоён этувчи, музофотлар вакилларидан ташкил топувчи Лойя жирғани қисқа муддатда шакллантириш нореал воқелик. Шунинг учун ҳам агар сайлов августга қолдирилса, президент ваколати тугагач, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиши ва президентлик мажбуриятини Ҳ. Карзайнинг ўзи бажариб туриши мумкин. Негаки, яқинда бўлиб ўтган маслаҳат девони йиғилишида у мамлакат бошқарувсиз қолмаслигини ва анархияга, яъни бошбошдоқликка йўл қўйилмаслигини алоҳида таъкидлади.

Албатта, ўтиш даврида Карзайни давлат бошқарувидан четлатиш ҳукуматга қарши кучларнинг бирдан-бир мақсадига айланиши турган гап. Бу пайтда улар президентликка ўз номзодларини илгари суриш учун сиёсий платформани яратишга ҳаракат қиладилар.

Аммо Карзайнинг ҳукуматдаги ишончли вакиллари баёнот беришмоқдаки, мамлакатда сиёсий «ўйинлар» юзага келишига йўл қўйилмайди. Афғонистон Ислом Республикаси ички ишлар вазири Хониф Отмарнинг айтишича, президент мамлакат қуролли кучларининг олий бош қўмондони ҳисобланади. Шундай экан, қуролли кучлар ва ички ишлар унинг ҳар қандай буйруғини ҳар қандай шароитда бажаришга тайёр.

Қисқаси, президент ва шу билан бирга маҳаллий органларга сайлов ўтказиш муддати бўйича республикада юзага келган шароит шундоқ ҳам мамлакатда кескин бўлиб турган сиёсий вазиятни юмшатиш учун хизмат қилмайди, аксинча, кескинлик янада чуқурлашишига олиб келиши мумкин.

Хуллас, сайлов қачон ўтказилиши миллий маслаҳатлашув бўлиб ўтгандан кейингина аниқ бўлади.

Алимбек ТОШБЕК

БМТ: БАДАЛ МАБЛАҒИ

Шу кунгача БМТга аъзо давлатлар орасида 43 тасигина 2009 йил учун БМТнинг доимий бюджетига бадал пулини ўтказиб берди. Ваҳоланки, қоидага кўра, БМТга аъзо барча давлатлар 31 январгача пул ўтказмаларини амалга оширишлари лозим эди.

БМТнинг доимий бюджетига ҳар бир давлат тўлайдиган бадал ҳажми БМТнинг умумий харажатлари улушидан келиб чиқиб белгиланади. Бадал ҳажми ҳар уч йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан белгиланади. Бунда аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳолиси сони ҳисобга олинади.



Масалан, Россия БМТнинг доимий бюджетига 29235794 доллар тўласа, Грузия 73 минг, Арманистон 49 минг, Украина эса 1 миллион доллар тўлайди.

2007-2009 йиллар учун давлатларнинг бадал ҳажми 2006 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган.

Аъзо давлатларнинг БМТ олдидаги молиявий мажбуриятлари уч қисмдан иборат: доимий бюджет учун бадал тўлови; тинчлик харажатлари учун тўлов ва халқаро трибунал таъминоти учун бадал тўлови. Яқинда эса БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасини капитал таъмирлаш учун алоҳида харажат сметаси ишлаб чиқилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда капитал таъмирланиши кўзда тутилган қуйидаги умумтаълим мактабларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №11:

Лот 11-1. Шаҳрисабз тумани, Қумқишлоқ қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 15-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 11-2. Шаҳрисабз тумани, Тўдамайдон қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 43-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 11-3. Шаҳрисабз тумани, Қиёмшайх қишлоғидаги 422 ўқувчи ўринли 18-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 11-4. Шаҳрисабз тумани, Кедиҳаёт қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 24-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 11-5. Шаҳрисабз тумани, Хўжабоғ қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 34-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот №12:

Лот 12-1. Қарши шаҳридаги 624 ўқувчи ўринли 5-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 12-2. Қарши шаҳридаги 624 ўқувчи ўринли 8-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 12-3. Қарши шаҳридаги 620 ўқувчи ўринли 15-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 12-4. Қарши шаҳридаги 540 ўқувчи ўринли 20-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 12-5. Қарши шаҳридаги 624 ўқувчи ўринли 39-мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 12-6. Қарши шаҳридаги 360 ўқувчи ўринли 41-мактабни капитал таъмирлаш.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак.

◆ етарли касбий ва техникавий малакага;

◆ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;

◆ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсига;

◆ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;

◆ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Даварҳитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 224-05-24.

Офертaлар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (офертaлар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офертaлар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Ликвидационное производство

ОАО «МОТОРНЫЙ ЗАВОД»

проводит очередное собрание кредиторов 20 марта 2009 г. в 11.00 по адресу: г.Ташкент, Ахангаранское шоссе, 2. Административное здание ОАО «Моторного завода».

ПОВЕСТКА:

1. Утверждение промежуточного отчета ликвидационного управляющего.
2. Утверждение реестра требований кредиторов должника.
3. Утверждение корректировок, введенных в оценку имущества и ТМЦ должника, выставленных на биржевые торги и находящихся на складах должника.
4. Утверждение решения об оприходовании излишне выявленных ТМЦ и реализации имущества должника, утратившего свою материальную ценность.
5. Утверждение суммы денежных средств для проведения мероприятий по празднованию праздника Навруз и 2200-летия Ташкента.

Просим направить для участия на собрании вашего представителя с оформленной доверенностью.

✓ Тадбир

ФАХРИЙ АЁЛЛАР ИБРАТИ

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши қошидаги «Фаол фахрий аёллар» гуруҳининг 2008 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамиятимизда ҳамма жабҳаларда ёшлар кекса инсонларнинг ҳаётий кўникмалари, иш тажрибаларидан сабоқ олади. Зеро, ўтган 2008 йил «Ёшлар йили» Давлат дастурининг бажарилишида «Нуроний» жамғармаси ҳам давлат ва жамият ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу ишларда жамғарма қошидаги фаол фахрий аёлларнинг муносиб хизмати бор. Бинобарин, улар олий ўқув даргоҳлари, коллеж, академик лицейларда таҳсил олаётган йигит-қизлар билан учрашувларда она-Ватанга садоқат, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга асосий эътибор қаратдилар.

— Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган мақол бежиз айтилмаган. Гуруҳимиз аёллари келажак авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, жамиятда, маҳаллада қария ва кексаларимиз фаоллигини ошириш мақсадида бу йил ҳам муайян тадбирларни ташкил этишни режалаштириб қўйганмиз, — дейди «Фаол фахрий аёллар» гуруҳи раҳбари Хосият Ёқубжонова.

Дарвоқе, фаол онахонлар маҳалла ва хонадонларда соғлом турмуш тарзи, ёш оилаларда миллий урф-одатларимизни шакллантириш, осойишта, фаровон ҳаёт кечириш тажрибаларини кенг тарғиб этмоқдалар.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: бир гуруҳ фаол фахрий аёллар.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

❖ Банк — молия соҳаси

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ — ИШОНЧДА, ҲАМКОРЛИКДА

Президентимизнинг ўтган йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳолининг банкка бўлган ишончини янада ошириш ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Очиғини айтганда, мазкур ҳужжат қабул қилингунга қадар одамлар ўртасида бўш пул маблағларини омонатга қўйиш борасида муайян даражада ишончсизлик кайфияти бор эди. «Пул қўйиб фоиз олиш яхшию, аммо керак пайти пулингни банкда ресурс йўқ деб беришмайди-да» дейдиганлар ҳам, «банкнинг ваъдаси қуруқ гап» деб бошқалар раъйини қайтарганлар ҳам оз эмасди. Фармон бундай гап сўзларга чек қўйди. Омонатга қўйилган маблағ эгаси ўз пулини биринчи сўровдаёқ олиши, акс ҳолда омонатга хиёнат қилганлар жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Айни шу тамойилнинг мамлакат раҳбари томонидан қонуний кучга киритилиши иқтисодиётнинг муҳим тармоғи банклар учун беқиёс имкониятлар яратмоқда. Буни Халқ банкининг Наманган вилоят филиали фаолиятида яққол кузатиш мумкин. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида банк филиали ва унинг бўлимларида тадбиркору мижозлар иштирокида қатор семинарлар ўтказилди. Тарғиботу ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, филиалда маслаҳатчи менеджер штатлари ташкил этилди. Натижада, ўз маблағини банк омонатларига қўйиш истагидаги кишилар ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Агар 2008 йил 1 январида жами омонатлар қолдиғи 3 548 миллион 900 минг сўмни, муддатли омонатлар 2 343 миллион 700 минг сўмни ташкил этган бўлса, орадан роппа-роса бир йил ўтиб, жами омонатлар 4 309 миллион 800 минг сўмдан, муддатли омонатлар 2 944 миллион 900 минг сўмдан ошган. Бошқача айтганда, бир йил ичида жами омонатлар 760,9 миллион сўмга, муддатли омонатлар эса 601,2 миллион сўмга кўпайди, деганидир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу рақамлар ортида минглаб янги омонатчилар турибди. Улар бошқа ўнлаб банклар ёки уларнинг юздан ортиқ бўлимларига эмас, айнан Халқ банкини танлашди ва айнан шу банк бўлимларига катта умид ҳамда ишонч билан кириб келишди. Омонатчилар сони айни кунларда ҳам ортиб бормоқда. Чунки, берилаётган имкониятлар, имтиёзлар ва яратилаётган қулай шарт-шароитлар Наманганда ҳам тадбиркору ишбилармонлар қалбига чўғ солди. Янги фирмалар ва ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлаётгани-ю уларнинг аксарияти Халқ банки мижозига айланаётгани бунинг ёрқин далили.

Филиалда бўлаётган бу каби ўзгаришларга мос равишда банк томонидан янги, юқори фоизли ва ютуқли омонат турлари ташкил этилди. Йиллик 25 фоизли «Тараққиёт», 3, 4, 5 фоиз бонусли «Даромад» омонат турларига пул қўйган кишилар лотерея сингари ютуққа ҳам эга бўлишмоқда. Муҳими, янги хизмат турлари ижросида банк мутахассисларининг ўз билим ва малакалари ҳам ошиб бораяпти.

Президентимизнинг Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Фармонига кўра банк филиали томонидан 38 та оилага уй-жой қуриш ва сотиб олиши учун 483 миллион сўм ипотека, қарийб юзта оилага турли рўзғор буюмлари харид қилишлари учун 145 миллион сўм истеъмол кредитлари берилди.

Бугун банкнинг 26 миллион сўмлик кредити эвазига Наманган шаҳридан уй сотиб олган Миршохид Абиловнинг қувончи чексиз. Унга банк имтиёзли кредит берди, пул уйга айланди, оилага қут-барака кирди. Бундай ва бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Халқ банкининг Косонсой бўлимидан уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун 4 миллион сўм олган Жамшид Жабборов, Норин бўлимидан 1 миллион 200 минг сўм олган Малоҳат Бўриевалар бугун ушбу кредитлардан фойдаланаётган бўлсалар, эрта бир кун иши юришиб кетгач, бўш маблағларини банк омонатларига қўйишига шубҳа йўқ.

Мижоз ва унинг имкониятларини яхши билиш, кредит маблағларини шунга мос ва хос тарзда йўналтириш — фойда билан ишлашнинг асосий кафолати. Агар берилган кредит қанча бўлишидан қатъи назар ўз вақтида фоизи билан қайтиб келса, бу энг катта ютуқ. Борди-ю, қарз қайтиши кечикса-чи..? У ҳолда ҳар икки томон учун ҳам бир талай ташвиш, бир талай муаммо. Банк ходимлари айни шу масалага асосий эътиборини бутун йил давомида қаратишди. Натижа ёмон бўлмади.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун банк филиали томонидан жами 8 964 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Шунинг 478,8 миллион сўми саноатга, 937,3 миллион сўми қишлоқ хўжалиги соҳасига, 2 675,1 миллион сўми савдо ва воситачилик ишларига, қолган кредитлар қурилиш ва маиший хизмат ҳамда бошқа мақсадларга берилди. Энг муҳими, ушбу кредитлар эвазига қисқа муддатда 223 та янги иш ўринлари яратилди.

Кредитларни расмийлаштириш жараёнида банк мутахассислари мижозларга бизнес-режа тузиш, ҳужжатларни тез ва тўғри ёзишда яқиндан кўмаклашмоқда. Натижада автомобилларга газ қуйиш шохобчаси қуриш учун 80 миллион сўм кредит олган «Газовик сервис УТТ» хусусий фирмаси,пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 10 миллион сўм олган «Наманган пласт», 33 миллион сўм олган «Наққош ДИ» хусусий корхонаси ва иссиқхона қуриш учун 10 миллион сўм олган «Мирзо Бобур» фермер хўжалиги бугун фақат даромад олиб ишламоқдалар.

Банк филиали мутахассислари хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларга кредит маблағлари ажратишга катта эътибор беришаяпти. Шу мақсадда ўтган йил 246 нафар тадбиркор аёлга 756,1 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, «Сирожота ССГ» фермер хўжалигига 45 миллион сўм, Уйчи туманидаги хусусий тадбиркор Шоҳида Йўлдошевага 1 миллион сўм, Ҳамрохон Имомбоевага 1 миллион 242 минг сўм берилди.

Қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот етиштирувчи саналган фермерларни, тадбиркору ишбилармонларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам банк назаридан четда қолгани йўқ. Ўтган йил давомида банк филиали томонидан 98 нафар фермерга қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиши учун тўрт миллиард сўм кредит берилди. Кредитлар эвазига мулкдорлар бешта «Класс Доминатор» тракторлари, битта «Енисей» комбайни, 85 та «ТТЗ» ва «МТЗ» техникалари, ўнта «ВТ 150» ва «Беларусь» русумли ҳайдов тракторлари, 20 та культиватор, тўртта тиркама ва олтита экиш агрегатлари ва турли хил эҳтиёт қисмлар харид қилишди.

Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарорига кўра Халқ банки маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 260,3 миллион сўм, «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш» жамғармаси ҳисобидан 128 миллион сўм ажратилди. Бу кредитлар эвазига кам таъминланган оилалар 206 бош қорамол сотиб олишди. Жамғарма маблағи ҳисобидан эса юздан ортиқ қорамол ва сигир харид қилиниб, кам таъминланган 128 та оила ихтиёрига берилди.

Қисқасини айтганда, бугун қишлоқда яшаб умргузаронлик қилаётган боболару момолардан тортиб, фермерлару ўқувчи ёшларгача барча-барча Халқ банки ҳамкорига айланишган. Демак, мижозлар, омонатчилар сафи кун сайин ошиб бораверади ва ютуқлар кўпаяверади.

Халқ банки матбуот хизмати

Спорт

4 МИНГ ҚИЗНИНГ ИККИ МАЛИКАСИ

Уч йилдирки, мамлакатимизда қизлар ўртасида стол тенниси бўйича «Камолот» маликаси» республика турнири ўтказиб келинмоқда. Мазкур мусобақа республика босқичининг ғолиб ва совриндорлари ҳар йили 8 март — Хотин-қизлар куни арафасида аниқланади.

Икки ёш гуруҳи (1991-1992, 1993-1994 йилларда туғилганлар) бўйича ўтказилган бу йилги баҳсларнинг туман ва вилоят босқичларида тўрт минг нафарга яқин қиз иштирок этди. Улар орасидан сараланган 56 нафар энг кучли кичик ракетка усталари республика босқичида қатнашди.

Бу йилги баҳсларда бухоролик Феруза Нарзуллаева (1991-1993 й.) ҳамда чустлик Дилафрўз Жумаева (1993-1994 й.) «Камолот» маликаси» республика турнири ғолиби бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мусобақа ғолиблари Дилафрўз Жумаева (ўнгда) ҳамда Феруза Нарзуллаева.

Бобур ПЎЛАТОВ олган сурат.

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Наманган шаҳрида теннис бўйича Дэвис кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Норасмий жаҳон чемпионати саналган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий Корея теннисчиларига қарши кортга чиқди.

Унда моҳир ракетка усталари Денис Истомин, Фаррух Дўстов ҳамда Мурод Иноятов юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Уч кун давом этган муросасиз учрашувларда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон теннисчиларининг қўли устун келди. Мусобақанинг дастлабки кунида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов Хиюнг Тайк Лига ютқазиб қўйганди — 5/7, 6/7, 4/6. Қолган тўрт учрашувда чинакамига ирода ва маҳорат намойиш этган вакилларимиз кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритишди. Умумий ҳисоб — 4:1 (!).

Энди теннисчиларимиз мусобақанинг навбатдаги босқичида Япония терма жамоасига қарши кортга чиқишади.

ИККИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИДА...

Футбол бўйича олий лига жамоалари Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг иккинчи тур учрашувларини ўтказди. Турнинг марказий ўйинлари Тошкентда «Локомотив» — «Нефтчи» ҳамда Андижонда «Андижон» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Илк турда Андижонда мезбонлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган пойтахт темирйўлчилари бу гал «Нефтчи» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгишди. Кутилганидек, шиддатли кечган «Андижон» — «Пахтакор» жамоалари баҳсида эса ҳисоб очилмади — 0:0.

Бухорода ўтган «Бухоро» — «Насаф» жамоалари учрашуви ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу ўйинда Кенжа Тўраев 86-дақиқада киритган тўп меҳмонларга муҳим уч очкони туҳфа этди — 0:1.

Турнинг қолган учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Бунёдкор» — «Қизилқум» — 4:0, «Машъал» — «Динамо» — 1:0, «Хоразм» — «Сўғдиёна» — 2:2, «Олмалиқ» — «Металлург» — 2:1, «Шўртан» — «Навбаҳор» — 0:1.

ГРОССМЕЙСТЕРЛАР МУСОБАҚАСИ

Линарес катта шаҳар эмас. Лекин шу шаҳарда ўтказиладиган нуфузли шоҳмот мусобақаси туфайли унинг номи нафақат Испанияда, балки жаҳонда машҳур. Мукофот жамғармаси 320 минг еврони ташкил этган бу йилги мусобақада ҳам дунёнинг 8 нафар энг кучли гроссмейстери дона сурди. Улар икки давравий ўйинлардан кейин тўпланган очколарига кўра қуйидаги тартибда жойлашишди: А.Гришук (Россия) ва В.Иванчук (Украина) — 8 тадан. М.Карлсон (Норвегия) — 7,5; В.Ананд (Ҳиндистон) — 7; Л.Аронян (Арманистон), Ван Юз (Хитой) ва Т.Ражабов (Озарбойжон) — 6,5 тадан; Л. Домингес (Куба) — 6 очко.

Биласизми?

«АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ»

Санъатсевар халқимиз қалбидаги ғурури, шижоати ва ғайратини ўзида ифода этган ушбу таронани Ўзбекистондагина эмас, балки хорижда ҳам яхши билишади, чин дилдан севишади. Аммо уни ким яратганлигини биламизми?

Бу машҳур рақснинг муаллифи Орифжон Тошматов бўлиб, у 1891 йилда Андижон шаҳрида туғилган.

Орифжон ўн ёшидан бошлаб дутор чалишни машқ қилган. Ўша пайтда Ўзбекистонда гармон пайдо бўлди-ю, ёш йигитнинг хаёли янгича мусиқа асбобида бўлиб қолади. Ўғлидаги қизиқишни пайқаган ота унга ўша пайтнинг энг қиммат мусиқа асбоби бўлмиш гармон совға қилади. Шундан кейин у гармон орқали ўзи севган халқ куйларини ўзгача оҳангда чала бошлади.

Ориф гармон театр санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. У 1918 йилда «Санои нафиса» номли ижодий гуруҳ тузган. Унда ижод қилган Муҳиддин ҳожи Нажмиддинов, Тўхтасин Жалилов, Собиржон Сиддиқов, Эргаш Раҳимов, Комилжон Жабборов, Лутфилло Хўжаев, Раҳмон Отабоев, Ғанижон Тошматовлар орадан йиллар ўтиб эл суйган санъаткорлар қаторидан ўрин олишди.

Орифжон Тошматов ўтган асрнинг 20-йилларида Андижон ва Асака шаҳридаги театрларда фаолият кўрсатди. У кўплаб хорижий мамлакатларда бўлиб, ўз ижодини намойиш этди. Ана шу сафарлар чоғида гувоҳи бўлганки, ҳар бир халқнинг миллий рақсини ифода этувчи ўз куйи — полькаси, тангоси бор экан. «Қизиқ, — ўйлади у, — нега бизнинг полькамиз ёки тангомиз йўқ?» Ана шу савол унга тинчлик бермай қўйди. Шу тариқа янги ижод, янги ҳаракат вужудга келди ва тез орада «Андижон полькаси» яратилди.

Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи 1931 йилда ташкил топган бўлиб, унинг асосчиларидан бири ҳисобланмиш Орифжон Тошматов «Андижон полькаси»ни илк марта унинг рақс майдонида ижро этганди.

Орифжон Тошматов 1944 йилда 53 ёшида оламдан ўтди. Унинг халқимизга қолдирган бой маданий мероси ҳали-ҳануз яшамоқда. Уни тинглаётган, томоша қилаётган одамларга эса фахр ва ифтихор туйғусини бахш этмоқда.

Шефие ИМОНҚУЛОВА, журналист, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda

Китоб жавонингизга

ЭНГ ГЎЗАЛ МАМЛАКАТ

Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ғоялари мужассам қадимий ва муқаддас «Авесто» китобида шундай ҳикмат бор: «Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак». Ушбу ҳикматни ўзида мужассамлаштирган Асрор Мўминнинг «Ёлғиз сенга юкундим, юртим!» китобидан кейинги йилларда ёзилган адабий-публицистик мақолалар ўрин олган.

Дарҳақиқат, ушбу китобдан дунёдаги энг гўзал мамлакат — Ўзбекистонимизга бўлган меҳр туйғулари, «Алпомиш» достонидаги энг ҳаяжонли кураш лаҳзаси, спортнинг мўъжизавий куч-қудрати тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, машҳур шоирлар Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Роберт Рожденственскийнинг энг сара шеърларига шарҳлар, Урганчда туғилган таниқли эстрада хонандаси Анна Герман ҳаёти ва ижодига чизгилар жой олган.

Китобни варақлар экансиз мақолалардаги Ватан, ватанпарварлик васф этилган ибратли нақлардан ёки дилбар шеърлардан кўнглингиз яйрайди: «Энг чиройли мадҳия бизники, энг чиройли байроқ бизники, энг чиройли Ватан бизники!», «Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳизинда, Бибихоним масжиди каби санъат ва меъморчилик обидалари қайси мамлакатда бор? Мен Тожмаҳални кўрганман, дунёдаги бошқа архитектура ёдгорликларини томоша қилганман. Лекин Самарқанддаги обидалар ҳаммасидан зиёда»...

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ушбу китоб пойтахтимиздаги «Turon-Iqbol» нашриётида нашрга тайёрланиб, «Toshkent tezkor bosmaxonasi»да кўп нусхада чоп этилган. Умид қиламизки, мазкур китоб Сизнинг дунёдаги энг гўзал мамлакат — Ўзбекистонимиз ҳақидаги фикрларингизни бир қадар бойитади.

Абдусалим МАҲМУДОВ

Премьера

«СУВ ЁҚАЛАБ»

Пойтахтимиздаги «Киночилар уйи»да «Сув ёқалаб» фильмининг кино мутахассислари, ёзувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун тақдимот маросими бўлиб ўтди.

...«Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига асосан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган бу фильмнинг сценарийсини ёзувчи Эркин Аъзам ёзган, уни режиссёр Жаҳонгир Қосимов бошчилигидаги ижодий гуруҳ экранлаштирган. Тақдимотдан кейин ўтказилган муҳокамада сўзга чиққан Ҳамидулла Акбаров, Аҳмаджон Мелибоев, Абдуғафур Расулов, Муҳаббат Шарафиддинова, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Зулфиқор Мусоқов ва бошқалар фильм ижодкорларининг ютуқлари, жузъий камчиликлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Сув ёқалаб» — фалсафий фильм. Унга кўп йиллар эл хизматини қилган кекса раис Болта Марданнинг эрталаб кўрган туши ва ҳаётининг сўнгги кунида қовжираётган боғига сув олиб келиши билан боғлиқ воқеалар асос қилиб олинган. Гарчи ўзандан очилган сув унинг боғига етиб келмаса-да, дарахт тагида кўз юмган раиснинг юзини ёз кечасида қуйган шаррос ёмғир ювади... Аслида, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад муҳокамада таъкидлаганидай, фильмдан кейин жимгина хаёл суриш керак. Шунда режиссёр топган рамзий тимсоллар, Эркин Комилов, Зулхумор Мўминова, Жамшид Зокиров, Тоҳир Саидов каби таниқли актёрлар ва иқтидорли ёшлар фильмда яратган ёркин образлар кўз олдингизда қайтадан гавдаланади, сизни фикрлашга ундайди...

(Ўз мухбиримиз)

Боши берк кўча

ҚОРА ҚИЛМИШ

Унинг хонадонидан 25 килограммга яқин турли гиёҳвандлик моддалари, 17 минг 918 доллар, 3 минг 300 евро, 3 минг 100 рубль, 2 минг 700 тенге, 63 сомону 60 дирам, 5 миллион сўм пул, беҳаё суратли журнал ва дисклар, ноқонуний сақланаётган фуқаролар паспортлари, автомашиналарнинг давлат рақамлари ҳамда кўплаб товар-моддий бойликлар олинди

Деновлик Хуршид Номозов, Жўрабек Алимардонов, Ҳабибулло Қурбоналиевлардан иборат гуруҳ шу йилнинг 8 февралида 350 грамм гиёҳвандлик моддасини 4 миллион 500 минг сўмга сотаётганда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Маълум бўлишича, заҳри қотил Денов шаҳри, «Гулистон» кўчаси 97-а уйда вақтинча истиқомат қилувчи А.П.дан олинган экан. Денов туман Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар бўлими ҳамда Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида А.П.нинг ҳовлисидаги ертўладан жами 25 килога яқин турли гиёҳвандлик моддалари топилган. «Аср вабоси» ҳисобланган заҳри қотил 27 та махсус ўрамда бўлиб, иккита елим идишда сақланаётганлиги аниқланди. Айбланувчининг айтишича, ушбу гиёҳвандлик моддаларини вақтинча сақлаш учун тожикистонлик «Эшон» исмли шахс етказиб берган экан.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

2009 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан
ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объектлар номи	Бошланғич нархи 20 фоиз ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш муддати
1.	Сирдарё вилояти, «Боёвут тумани Мингчинор КФЙ, «Жуланғар» маҳалласида тик қудуқ қурилиши»	77430,006	120 кун
2.	Сирдарё вилояти, «Ховос тумани, Бобур ДФХУ, «Боғистон» маҳалласида тик қудуқ қурилиши»	77490,390	120 кун
3.	Сирдарё вилояти, «Оқолтин тумани Андижон ДФХУ дан У.Носир ДФХУ оралиғидаги сув тизимини реконструкция қилиш»	266037,554	120 кун

Буюртмачи манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй, **тел:** 8 (3672) 27-63-86

Қурилиш ишларини молиялаштириш — «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамига танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги бўш айланма маблағи бўлиши ёки шу миқдорда кредит банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Тел: (8 3672) 27-64-84, факс: (8 3672) 27-64-42

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жарқўрғон туманидаги 740 ўқувчи ўринли 33-мактаб биносини (қолдиқ иш ҳажмлари бўйича) капитал реконструкция қилиш.

Иншоотнинг бошланғич нархи қўшимча қиймат солиғи билан — 551,098 млн. сўм, қўшимча қиймат солиғисиз — 459,248 млн. сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй,
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Тошкент шаҳри Бектемир туманида рўйхатга олинган «INTEGRAL PLYUS» шўъба корхонаси (ИНН 204518327)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар икки ой ичида 295-12-62 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Мирзо Улуғбек туманидаги «Зафар» хусусий кичик корхонасига 1997 йилда берилган 2761074769 рақамли давлат кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.